

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

“ЁШ МУЗЕЙШУНОС” ТЎГАРАК ДАСТУРИ

(кайта ишланган ва такомиллаштирилган)

ТОШКЕНТ – 2012

Муаллифлар	Ш.Бердиева – “Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази директори З. Товбоев – А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти тадқиқотчиси
Тақризчилар	М.Миракмалов – Ўзбекистон миллий университети “Табиий география ва география таълими методикаси” кафедраси муdiri, география фанлари номзоди, доцент У.Мансуров – Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети Тарих факультети доценти, тарих фанлари номзоди Н.Латипова – “Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази 1 тоифали услубчи

Ушбу ўқув дастури Республика таълим маркази ҳузуридаги Маънавий-маърифий йўналишдаги Илмий методик кенгашининг 2012 йил 30 августдаги 7-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

“ЁШ МУЗЕЙШУНОС” ТЎГАРАК ДАСТУРИ

КИРИШ

Умумтаълим мактабларида, академик лицейларида, турли ихтисослашган мактаб-интернатларида, “Меҳрибонлик” болалар уйларида, қўшимча таълим берувчи мактабдан ташқари таълим муассасаларида олиб бориловчи таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги тўғарак машғулотида жараёнида ўзлаштирилаётган фанларнинг олдиндан, мақсадга мувофиқлаштирилган ҳолларда амалий машғулоти, экскурсия, сафар, экспедиция билан мустахкамланиши, кўргазмалилиги ва таъсирчанлиги билан белгиланади. Бу ўринда мактаб музейлари маданий-маърифий ўчоқ ҳисобланиб, моддий ва маънавий буюмлар тўплами орқали илмий, тарихий, адабий қадриятларни ёш авлодга етказувчи марказ ҳисобланади.

Ўқувчилар музей ишларида фаол қатнашиб, умумтаълим фанлари бўйича олган билимларини кенгайтирадилар, илмий қизиқиш ва касбга мойилликларни мустахкамлайдилар. Албатта, ана шу тарбиявий ишларнинг муваффақиятли бажарилиши ва музейда экспонатларнинг тобора кўпайиб бориши, ўқув-тарбиявий ташкилотлари раҳбарлари ва педагогик жамоаларнинг саёҳат ва ўлкашунослик ишларига қай даражада эътибор беришларига, ўқувчилар ўртасида ижодий муносабатларни ташкил қилишларига ва ҳозирги замон музейшунослиги билимларини уларнинг онгига қай даражада етказа олишларига боғлиқдир.

Ўқув дастурида берилган мавзулар негизи юқори синф ўқувчиларига мослашган бўлиб, музей масалаларининг асосий қисмини белгилайди. Раҳбар имкониятига ва ўқувчилар ёшига қараб, мавзуларни соддалаштириш ёки бошқа қўшимча мавзулар киритишга ҳақлидир. Дастур ўқувчи-ёшларнинг мактаб музейидаги фаолияти орқали музей иши тарихи ва назариясини билиши, экспонат тўплаши, уни сақлаши, ҳисоб-китоб қилиши, маданий-маърифий соҳада кўникмалар ҳосил қилишига ва билимларини оширишига имкон беради.

“Ёш музейшунос” тўғарак дастурида экскурсия ишига ва экскурсоводлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилган. Баъзи бир мавзулар (II, III, IV, V, IX) назарий жиҳатдан мураккаброқдир. Мавзуларни ёритишни ва тақсимлашни тўғарак раҳбари болаларнинг ёши ва билим даражасига қараб белгилайди.

Тугаракка 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчилар қабул қилинади.

Тўғарак дастури бир ўқув йилига мўлжалланган.

Мазкур ўқув дастури Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 мартдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган Мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида қайта ишланиб такомиллаштирилди.

Ушбу тўғарак ўқув дастурида кўрсатилган ўқув режаларга ҳудуднинг ва тўғаракларга жалб қилинган болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тўғарак раҳбарлари томонидан 25 фоизгача ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

“Ёш музейшунос” тўғарак аъзолари билимига қўйиладиган Давлат талаблари

Тўғарак аъзолари қуйидагиларни билиши лозим:

музейшунос тўғарагининг мақсад ва вазифаларини;
музейларнинг ташкил этиш тарихи ва ривожланиш босқичларини;
Ўзбекистондаги илк музейларни;
музейнинг бойитиш йўлларини;
музейшунослик ва ўлкашуносликка оид термин, тушунча, ибора ва атамаларни;
миллий музей фондини;
миллий музей фонднинг Давлатга тегишли қисмини;
миллий музей фонднинг Давлатга тегишли бўлмаган қисмини;
музейлар фаолиятини бошқаришни;
музейшуносликни ривожлантиришга оид Қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни;
Ўзбекистондаги йирик музейлар фаолиятини;
музей ашёлари ва коллекциялари классификациясини;
музейлар тоифалари ва тоифа бериш тартибини;
музей ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини;
давлат музейларига кириб кўриш тартибини;
музей ашёлари ва коллекцияларини сақлаш чоралари ва талабларини;

Тўғарак аъзолари қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим:

музей ҳужжатларини юритишни;
фонд таркибини бошқаришни;
музей экскурсиясини олиб боришни;
энг йирик музейларга тавсиф беришни;
жамоатчилик музейларини ташкил этишни.

“Ёш музейшунос” тўғараги ўқув дастури

№	Мавзулар	Назарий соат	Амалий соат	Жами соат
1	Кириш. Музей иши тарихи	6	10	16
2	Музей ишининг илмий ва ташкилий асослари	2	4	6
3	Мактаб музейи ва унинг хусусиятлари	6	10	16
4	Музей жамғармаси	3	6	9
5	Қидирув ишларини ташкил этиш	6	15	18
6	Музей жамғармасини сақлаш ва унинг ҳисоб-китоби	4	9	13
7	Экспозиция ишлари	4	10	14

8	Мактаб музей негизда олиб бориладиган оммавий-ташкилий, тарбиявий ишлар	4	8	12
9	Экскурсияга тайёргарлик кўриш	6	3	9
10	Мактаб музейида экскурсия ўтказиш	2	10	12
11	Экскурсиялар мавзуси ва мақсади	3	3	6
12	Экскурсия мавзусини аниқлаш	3	12	15
13	Экспонатларни танлаш ва йўналишларни тузиш	3	4	7
14	Экскурсия мазмуни устида ишлаш	5	10	15
15	Экскурсия олиб боришнинг усуллари	4	6	10
16	Экскурсияни қайта ишлаш ва топшириш	3	6	9
17	Экскурсоводлар маҳорати ва экскурсияларни келгусида такомиллаштириш	5	9	14
18	Шаҳар ва тарихий жойлар бўйлаб экскурсия ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш	3	9	12
Жами:		72	144	216

1. Кириш. Музей иши тарихи.

Музей ҳақида тушунча. Тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлашни ўрганиш ва ташвиқ қилиш ишлари. Музейшунослик. Музей тарихи. Қадимги Юнонистон ва Римда пайдо бўлган биринчи музейлар. Санъат ва маданият, фан эришган ютуқларнинг намуналаридан иборат маълумотномалар банкини яратиш, ҳамда бойитиб бориш. Уйғониш давридаги Италия, Англия, Франция, Германияда ташкил топган музейлар. Лондондаги Британия музейи, Мадриддаги Прадо музейи, Москвадаги Тарих музейи, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейи, Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат тарихи музейи ва ҳоказо.

Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий давлатларга оид қурол-аслаҳа, санъат ёдгорликлари, китоб ва бошқа нодир буюмларни тўплаш, санъат ва архитектура ёдгорликлари.

Ўзбекистон Давлат музейлари ва уларнинг тарихи. Тарихий ва маданий ёдгорликларини ҳимоя қилиш. Ўзбекистон Республикасининг музей ишлари ҳақидаги қонунлари, қарорлари ва йўриқномалари.

Амалий машғулотлар. Музей ишлари тарихига оид кино, видео, фильмлар кўриш. Шаҳар, туманда мактаб ёки давлат музейларига асос солган фахрийлар билан учрашув кечасини ўтказиш.

2. Музей ишининг илмий ва ташкилий-асослари.

Музейнинг илмий моҳияти. Музейда табиат ва жамиятни ўрганиш билан узвий боғлиқ бўлган манбаларни мужассамлаштириш. Музей биноларини илмий хужжатлаштириш, ўрганиш. Музейларни экспонатлар билан тўлдириш, ёдгорликларни ҳисобга олиш, сақлаш ва қайта таъмирлашнинг илмий

принциплари, музей ишларининг тематикаси. Барча турдаги музейларнинг ўзаро алоқаси ва бирлиги. Музейларнинг турлари. Ўзбекистон музейлари тармоқлари. Жамоатчилик асосидаги музейлар. Давлат музейларининг жамоа музейлари билан алоқаси.

Амалий машғулотлар. Давлат кутубхоналарида қўшимча адабиётлар картотекасини тузиш. Музейларга оид давлат қарорларини, йуриқномалари, мақолаларни йиғиш. Маълум бир иш бўйича авторефератлар ёзиш ва ҳимоя қилиш. Давлат жамоа музейлари, завод, фабрика, мактаб музейлари билан танишиш.

3. Мактаб музейи ва унинг хусусиятлари.

Мактабда саёҳат ва ўлкашунослик ишлари. Мактаб музейи мактабда ўқитиш ва тарбиялаш маркази сифатида. Мактаб музейи ишининг мазмуни ва ўқитишнинг ўлкашунослик принциплари дастури талабларига мос тушиши. Мактаб музейи ва синфдан, мактабдан ташқари ишлар, мактаб музейининг саёҳат ва ўлкашунослик ишлари билан бевосита алоқаси. Мактаб ва музей ишининг бирлиги, мувофиқлиги. Буюмларни йиғишда ва экспонатларни тўплашда фанлар бўйича ўқув дастурларининг эътиборга олиниши. Буюмларнинг янгиланиб турилиши ва кўчма экспозициялар. Экспозиция мавзуларининг долзарблиги. Мактаб музейининг турлари.

Амалий машғулотлар. Мактаб музейлари бўйича адабиётлар, қўлланмалар билан танишиш. Маърузалар тинглаш.

4. Музей жамғармаси.

Жамғарма ишларини илмий асосда ташкил этиш. Музей анжомларининг турлари ва гуруҳи. Музей анжомлари ва илмий-ёрдамчи материаллари. Музей жамғармаси таркиби ва тизими. Жамғарма ишларининг кўринишлари. Музей анжомлари, буюмларини илмий аниқлаш, классификация қилиш ва тартибга солиш.

Амалий машғулотлар. Музей жамғармаси ҳақидаги қонун ва йўриқномаларни ўрганиш ва тўплаш. Музей анжомларини сақлаш ва ҳисоб-китоб қилиш. Мактаб музейи таркиби ва тизимини, каталоглар, коллекциялар схемасини чизиш.

5. Қидирув ишларини ташкил этиш.

Мактаб ва музей иши бирлиги. Мактабда қидирув ишларининг умумий вазифалари. Режалаштириш. Мақсадга мувофиқлик. Экскурсия ва бошқа қидирув ўлкашунослик ишлари мазмуни ва мақсадини белгилаш.

Амалий машғулотлар. Қидирув ишларининг шакллари: қонунлар билан ишлаш, бошқа ташкилотлар билан ёзишмалар, экспедициялар, экскурсиялар, сафарлар уюштириш, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалийлик, қидирув ишлари натижасида йиғилган материалларни тўплаш ва тартибга солиш.

6. Музей жамғармасини сақлаш ва унинг ҳисоб-китоби.

Шифрлаш. Буюмларни қабул қилиш ва уни бериш. Ёрдамчи картотека. Буюмларнинг ёзувлари ва илмий аниқлиги. Сақлашни ташкил этиш. Жамғарма, буюм ва экспозицияларни сақлашга бўлган умумий талаблар.

Амалий машғулотлар. Музей жамғармаси ҳақидаги қонун ва йўриқ-услугий ҳужжатларни ўрганиш. Каталоглар ва картотекалар тузиш,

коллекциялар схемасини чизиш ва қоидаларини ўрганиш. Мактабда кидирув-экспедиция ишлари давомида тўпланган материалларга ишлов бериш, инвентаризация қилиш, шифрлаш. Экскурсия давомида тўпланган материалларни қайта ишлаш, инвентаризация қилиш, шифрлаш.

7. Экспозиция ишлари.

Экспозицияларнинг мазмуни ва таркиби. Илмийлик ва кўргазмага лойиқлик. Материалларни ўрганиш ва танлаш. Материалларнинг маълум тартибда жойлашиши. Экспозиция яратиш ишлари. Мўлжал, мақсад, умумий мавзуси. Экспозиция мавзуларининг режаси. Тематик тизими, бўлимлари, мавзулари, уларнинг жойлашиши. Экспозицияни янгилаш усуллари. Экспозицияни бадий безаш. Доимий экспозиция ва вақтли кўргазма. Кўчма кўргазма ва унинг хусусиятлари.

Амалий машғулотлар. Мактабда ўлкашунослик гуруҳлари томонидан олиб келинган ёки ташкил, этилган буюмларни танлаш, мавзуларга ажратиш, безаш, мазмунан таҳлил қилиш, экспозицияларини яратиш. Мавжуд экспозицияларга тушунтириш текстларини ёзиш, илмий изоҳлаш. Кўчма кўргазмалар ташкил этиш.

8. Мактаб музейи негизида олиб бориладиган оммавий-ташкилий ва тарбиявий ишлар.

Асосий талаблар. Юксак ғоявий-назарий даражада ҳар томонлама ёндошиш, актуаллик ва аҳамиятлилиқ ёшни ҳисобга олиш, тадбир қатнашчиларининг билим даражаси ва қизиқиши, экспозиция таянчи, музей материаллари. Тадбирлар формаси: экскурсия, лекция, суҳбат, учрашувлар, конференциялар, линейка, адабий-тарихий композиция, кўргазма ва беллашувлар. Ташкилий тадбирлар. Маҳаллий аҳоли билан олиб бориладиган ишларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Амалий машғулотлар. Мактаб музейида оммавий ишларнинг олиб борилиши билан танишиш, режали кўргазма очиш билан боғлиқ, тадбирлардан бирида иштирок этиш.

9. Экскурсияга тайергарлик кўриш.

Экскурсия бу ўқув маданий-маърифий иш шаклларида биридир. Экскурсия ва маърузалар. Экскурсия объектлари. Экскурсия усуллари ва талаблари: мақсадга мувофиқлик, тематиклик, мантикийлик ва хронологик изчиллик, кўргазмалилик, аниқлик. Экскурсия турлари ва кўринишлари.

Амалий машғулотлар. Экскурсияга тайергарлик кўриш. Экскурсия объектларини аниқлаш ва рўйхатини тузиш.

10. Мактаб музейида экскурсия ўтказиш.

Экскурсия, экспозиция, ўқув-тарбия тизими. Маданий-маърифий ишлар вазифасига мос тушувчи экскурсия тематикасини ишлаб чиқиш. Экскурсия иштирокчилари ва олиб боровчининг ёши ва билимини ҳисобга олиш. Мактабларда ўқув, тарбиявий ва маданий-маърифий ишларда экскурсиядан фойдаланиш. Мактаб музейларида экскурсия ўтказиш ва унга тайергарлик кўриш тартиби.

Амалий машғулотлар. Турли хил экскурсиялар шаҳар, музей, ёдгорлик жойлари бўйича. Давлат музейлари методистлари ёки шаҳар саёҳлик ташкилоти

экскурсия олиб борувчилари суҳбатларини тинглаш, мактаб музейлари экскурсияси мавзуларини ўрганиш, музей раҳбарлари ёки экскурсия олиб борувчилар билан учрашув ўтказиш, турли мавзулар бўйича экскурсиялар мазмунини тинглаш, экскурсия мавзулари ва йўналишларини тузиш.

11. Экскурсиялар мавзуси ва мақсади.

Мавзунинг мазмуни ва тузилиши. Экскурсия режаси. Экскурсиянинг мақсади. Мақсаднинг экскурсия мавзусини ишлаб чиқишдаги аниқловчилик роли.

Амалий машғулотлар. Тўғарак аъзолари ўртасида экскурсия мавзуларни бўлиб бериш ва музейга бўлган экскурсиялар ҳақида суҳбат тинглаш: ҳар бир экскурсия учун тахминий режа ишлаб чиқиш, мақсадни аниқлаш.

12. Экскурсиянинг мавзусини аниқлаш.

Экскурсия мавзусини аниқлаш бўйича йўриқнома тузиш тартиби. Адабиётлар, экспонатлар ва манбаларни ўрганиш тартиби. Зарур маълумотларни ажратиш ва банкини яратиш тартиби. Айрим рақам, материаллар, шеър ва парчаларни ҳужжатлардан олиш. Болалар томонидан йиғилган адабий материаллар, экскурсия ҳақида ёзувлар, хотираларнинг тўғрилигини текшириш усули. Экспонатлар ва уларнинг пайдо бўлиши тарихи ва мазмуни билан яқиндан танишиш.

Амалий машғулотлар. Кутубхонада, мактаб музейи экспонатлари олдида ўтказилади. Танланган, тавсия этилган схема бўйича ўтказилган экскурсия мавзу манбалари, адабиётларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш; ҳар бир мавзу бўйича асосий воқеалар йилномаси ва экспонатлар картотекасини тузиш: экскурсия блокнотига, экспонат карточкаларига маълумотларни ёзиш; айрим экспонат ва воқеалар ҳақида ўқувчилар суҳбатини тинглаш.

13. Экспонатларни танлаш ва йўналишларини тузиш.

Баъзи масалалар мавзуини аниқлаш, уларнинг мантиқий ва даврий жиҳатларига мос экспонатларни танлаш меъёри. Турли хил экскурсиялар учун экспонатлар танлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Экскурсия йўналишларини белгилаш ва уни уюштириш.

Амалий машғулотлар. Тайёрланаётган ҳар бир экскурсиянинг аниқ формаси, мавзуси ва мақсади: экскурсия мавзу режасини экспозиция бўлими тартибига мос ҳолатда тузиш, экспонатларни экскурсия мавзуси ва масаласига мос равишда танлаш; карточкаларини танланган экспонатларга мос равишда қўйиш, экскурсия йўналиши матнини, ҳаракат графигини тузиш.

14. Экскурсия мазмуни устида ишлаш.

Экскурсиянинг тузилиши. Кириш суҳбати, унинг мазмуни. Экскурсия ўтказишнинг режаси ва тартиби. Экскурсиянинг асосий қисми. Даврий тематик принцип, мақсадга мувофиқ равишда йўналишларни қайта ишлаш. Танланган гуруҳлар учун экскурсиянинг мавзулари ва айрим масалалари, мазмунларини аниқлаш. Баъзи бўлимлар мазмуни ва ҳажмининг хилма-хиллиги. Айрим масалалар баёнининг мақсадга мувофиқлиги ва даврийлиги. Мантиқий ўтишлар ва уларнинг вариантлари. Экскурсияда ҳулоса қилиш ва умумлаштириш усули. Якуний суҳбат мазмуни ва уни ўтказиш тартиби.

Амалий машғулотлар. Давлат музейларига қилинган экскурсиялар ҳисоботини тинглаш. Шунингдек, кириш ва якуний суҳбатларни тузиш. Ҳикоя

қилиш тартибини ишлаш ва экспонатларнинг мавзу гуруҳлари бўйича суҳбат тузиш; хулосаларни формага солиш ва ёзиш; нарса ва масалалар ҳақида ҳикоя қилиш вақти: айрим экскурсияларни тинглаш ва уларни муҳокама қилиш.

15. Экскурсия олиб боришнинг усуллари.

Экскурсия усулларнинг ўзаро боғлиқлиги. Кўрсатиш методи. Ҳикоя қилиш давомида кўргазмалиликнинг шартлилиги. Таққослаш усули ва фикрларни қайта ишлаш. Ҳикоя қилиш усули. Экскурсовод тилига бўлган талаб. Ҳикоя қилишда ибора, цитаталардан фойдаланиш усули.

Амалий машғулотлар. Экспозицияни кўрсатиш ва экспонатлар группасини таҳлил қилиш, намойиш қилиш усулидан фойдаланиш, экспонатларни солиштириш. фактларни баён этиш, воқеаларни фикран изоҳ этиш, экскурсия давомида тематик суҳбатлар олиб бориш учун саволлар тузиш.

16. Экскурсияни қайта ишлаш ва топшириш.

Маршрутларни ўзлаштириш, экспозиция мазмуни ва уни олиб бориш бўйича ишлар. Ҳар бир аниқ мақсадли экскурсия учун қўлланиладиган усуллар ёзуви. Экскурсияларнинг яқка тартибдаги тексти ёки режаси.

Амалий машғулотлар. Ҳар бир экскурсиянинг йўналишлари, яқка тартибда ва умумий усуллари: экскурсия йўналишларини тузиш, янги гуруҳларга экскурсияга тайёргарлик кўришини айтиш ва уни муҳокама қилиш.

17. Экскурсоводлар маҳорати ва экскурсияларни келгусида такомиллаштириш.

Қабул комиссиясига бўлган таклиф ва мулоҳазалар. Мавзуларни чуқурроқ ўрганиш. Бошқа экскурсоводлар ҳикоясини тинглаш. Экскурсия давомида гуруҳнинг фаоллиги ва қизиқувчанлигини ҳисобга олиш, экскурсия йўналишини тузиш. Саёҳатни услубий шакли ва унинг экскурсияга тайёргарлик кўришдаги роли ва ўрни ёш экскурсоводлар мактаби. Экскурсия давомидаги ўзаро ишлаш, бир-бирига ёрдам, ҳикояларни ўзаро эшитиб кўриш ва конкурслар ўтказиш. Давлат музейларининг ва шаҳар туризм бюроларининг экскурсия бўлимлари билан алоқа.

Амалий машғулотлар. Комиссиялар фикри, мулоҳазалари ва экскурсия қилувчилар таклифларини ҳисобга олиб, экскурсия олиб боришни такомиллаштириш; услубий қўлланмалар тузиш: экскурсоводлар ҳикоясини ўзаро тинглаб кўриш, экскурсия ҳикоясини тақриз ва таклифларни ўқиш, музей экскурсоводлари конкурслари шартлари, дастурларини ишлаб чиқиш, ёш саёҳлар хотираларини савол-жавоб, анкета тўлдириш орқали такомиллаштириш.

18. Шаҳар ва тарихий жойлар бўйлаб экскурсия ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш.

Шаҳар тарихи – экскурсия учун ўрганиш объекти. Шаҳар экскурсияси учун объектларнинг классификацияси. Тарихий ва маданий ёдгорликлар ва уларнинг тарбиявий ғоявий аҳамияти. Жанговар ва меҳнат шон-шухрати музейларига бўлган экскурсиянинг тарбиявий аҳамияти. Шаҳар бўйлаб экскурсиянинг ўзига хос хусусиятлари. Йўналишларга бўлган талаблар. Санъат асарлари орқали тарихий объектлар, ёдгорлик жойларни кўрсатиш

методикаси, Комплекс экскурсияга тайёргарлик ва уни ўтказиш методикаси. Шаҳар ва тумандан ташқаридаги бўладиган экскурсияларни ўтказиш методикаси.

Амалий машғулотлар. Бир ёки икки шаҳар экскурсияси ҳақида суҳбатлар эшитиш; бунда экскурсияларнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш, экскурсияларни тайёрлаш ва уни ўтказиш; самарадорликка эришиш лозим.

Дастур ўқув йили давомида ўтилади ва ёзги таътил даврида тўғарак ишларини алоҳида тузилган дастур асосида давом эттириш мумкин. Бунда кўпроқ саёҳат ишларига эътибор берилади. Яқин-атрофда жойлашган Давлат музейларига, шон-шуҳрат уйларига қилинган экскурсиялар давомида ҳам ушбу муассаса фаолияти билан яқиндан танишишга ҳаракат қилинади.

Фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Бердиева Ш., Раҳимов Ғ., Эгамов Б., Абдусаттарова Г. Сайёҳлик ва ўлкашунослик йўналишидаги тўғаракларнинг дастурлари тўплами. – Т.: Илм зиё, 2008.
2. Товбоев З.Э. Ўқувчилар сайёҳлик ва ўлкашунослик фаолиятини ташкил этишнинг назарий-амалий асослари. –Т.: Илм зиё, 2009.
3. Эгамов Ю. Таълим муассасаларида сайёҳлик ва ўлкашунослик ишларини олиб бориш. – Наманган, 2002.
4. Эгамов Ю. Тоғ бағридаги сирлар. – Чуст, 2003.
5. Эгамов Ю. Бизнинг маршрутларимиз. – Чуст. Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси Чуст тумани халқ таълими бўлими, 2006.
6. Эгамов Б. Сайёҳлик ва ўлкашунослик йўналишидаги мактабдан ташқари таълим тизимининг ташкилий-методик асослари. – Т.: Илм зиё. 2010.
7. Тарихий мавзулардаги экскурсияларни ўтказиш. - Т.: РЁСЎМ, 2002.
8. Методическое обеспечение туристско-краеведческой, экскурсионной и музейной работы. - Т.: РЦДЮТК, 1993
9. Краеведы – архивоведы Программа. - Т.: РЦДЮТК, 1994
10. Содержание и организация поисковой работы в туристско-краеведческих кружках. - Т.: РЦДЮТК, 2002.
11. Общественно полезная работа юных туристов. - Т.: РЦДЮТК, 2002
12. Руководитель общественного музея, программа. - Т.: РЦДЮТК, 1993.

Электрон манбалар

www.ziyonet.uz, www.e-tours.ru, www.interunion.ru, www.natlib.uz,
www.tag-group.com, www.travel-library.com, www.faak.uz, www.world-tourism.org